Alisher Navoiy
O'zbekiston MK

БУГУН – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
9 май
ШАНБА
№ 36 (12776)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Шукрона

БИЗ СОҒИНГАН ТОНГЛАР КЕЛДИ

Кўп ва хўп замонларни кўрдик. Айни балоғат ёшимда уруш бошланиб, миллионлаб бегуноҳлар қони, етим қолган гўдаклар фарёди, очлик, мискинлик ва қаҳатчиликнинг гувоҳи бўлдик. Ўқиб-изланадиган, севиб-севиладиган гулдай ёшлигимиз, инсоний қадр-қимматимиз бир чақага арзимаган ўша пайтларни хотирласам, жанг майдони, унда юрт, фарзанд соғинчи порлаган кўзларига қум тўлган қуролдошларим, жон сақлаши эвазига бир қоп кепакка алишилган болалар тақдири, тут пишиғини кутиб ўт-ўлан еган кунларимиз кўз ўнгимдан ўта бошлайди. Ҳар сафар бу хотиралар юрагимга оғир юк бўлиб ботиб, азоблайверади...

Шукрки, истиқлол шарофати билан дориламон кунлар келди. Биз кексаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлардан бошимиз осмонга етиб, ўтмиш яралар тузалди.

92 ёшдаман. Яқиндагина "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" медали ҳамда пул мукофотларини муҳтарам Юртбошимиз номидан шахсан вилоят ҳокимимизнинг ўзлари келиб топширди. Очиғи, қувончдан кўзларим ёшланди. Ўша пайтдаги ҳолатим, руҳимда пайдо бўлган тетикликни таърифлай олмайман. Чамаси, яна 20 йилга ёшаргандек бўлдим.

Тўғри, биз, кексалар мустақилликдан буён доим эътибор ва эъзоздамиз. Тўққиз фарзанд, 40 невара ва 34 эвара, қолаверса, қавму қариндош, маҳалла-кўй ардоғидаман. Аммо, Президентимиз бошчилигида биз, кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, у соғлиғимизни тиклаш бўладими, пенсия таъминотими, хуллас барча шароитлар муҳайё қилинаётгани, албатта белимизга куч-қувват бағишлаяпти.

Бунинг учун Юртбошимиздан, бағри кенг халқимиздан чексиз миннатдормиз. Ҳар тонг истиқлолимиз абадий, осмонимиз мусаффо, халқимиз тинч ва турмушимиз фаровон бўлиши учун дуодамиз.

Абдуманноб РИХСИЕВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.
Зангиота тумани.



ХОТИРА – САБОҚ, ҚАДРЛАШ – САВОБ

Тинчлик ва осойишталик – улуғ неъмат. Халқимизнинг бозорлари файзли, дастурхони тўкин, бунданда, муҳими, кўнгли ободлиги шу неъмат шарофатидандир. Бироқ, бу кунларга етишиш ўз-ўзидан бўлмаган. Инсоният иккита қирғин-барот жаҳон урушини кўрди. Тинчлик нечоғлиқ азиз неъмат эканини уруш аламини тортганлар яхши билади.

1999 йилдан муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси ва тарихий Фармони билан 9 май – Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланаётгани замирида теран маъно-моҳият бор. Негаки, шахс ҳам, миллат ҳам хотира туйғуси билан тирик. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда: "Хотира деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилатдир. Хотираси бўлмаган, тарихини унутган, ўз аждодларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ".

Ўтмишни хотирлаш, сабоқ олиб яшаш ўзбеклар табиатига хос хусусият. Бизда етти авлод (шажара)ни билиш шарт экани бунинг далили. Ўзбек халқи марҳумларнинг фақат яхши фазилатларини эслайди, ибрат бўларли хислатларини хотирлайди. Бу халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган.

(Давоми 2-бетда).

КЕЛБАТИ ҲАМ, ҚАЛБИ ҲАМ КЎРКАМ ЭДИ

Ҳам тажрибали бош муҳаррир, ҳам меҳрибон раҳбар, ҳам улуғ Инсон бўлмиш бу одам ҳақида бир неча йиллардан бери Хотира куни арафасида бир нима ёзишни мўлжаллаб юрардим-у, кундалик ишлар домида бу бурч четда қолиб келаётган эди. Ўтган ҳафта қўққисдан тушимга кирибдилар: "Ҳаби, ишларинг қалай?" деяптилар аниқ-тиниқ. Ўша савлатли келбат, кўпроқ озаргами, эронгами ўхшаб кетадиган қорамағиз юздаги қалин қора қошлар остида йирик қийиқ кўзлар, билинар-билинмас дўнг бурун бу кишига баҳодирона файз бағишлаб турарди. Унча-мунча одам, айниқса аёл зоти кўзларига тик қаролмас эди. Гарчи бу кўзлардан қаҳр эмас, меҳр ёғилиб турса-да...

Аҳмад Исмоилов ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида "Тошкент ҳақиқати" газетасига бош муҳаррир этиб тайинланган бўлса, то умрининг охири – 1980 йилгача шу лавозимда ишлади. Бу даврда вилоят газетаси 50-60 минг нусхада чоп этилиб, мавқеи, газетхонлар ўртасидаги обрў-эътибори, дўконларда сотилмай қолиб кетмаслиги жиҳатидан республика газеталаридан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмасди. Буни 1978 йилда газетанинг 50 йиллик юбилейида таҳририят ходимларидан биратўла тўрт киши "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" унвони олгани, ўнлаб фахрий ёрлиқ ва бошқа мукофотлар билан тақдирланганининг ўзи ҳам тасдиқлайди.

Боиси бош муҳаррир иқтидорли журналистлардан иборат аҳил-иноқ жамоани шакллантира олган, улар эса эл-юртга манзур газета чиқаришни уддалаётган эди. Таҳририят бўладими, бошқа идора-корхонами, жамоанинг муваффақиятида биргина бош раҳбарнинг роли – тажрибаю билими ва инсоний фазилатлари муҳим аҳамият касб этиши ҳаммага маълум ҳақиқат.

(Давоми 2-бетда).

Вилоят ҳаёти

НУРОНИЙЛАР УЧУН ТУҲФАЛАР

Жойларда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига асосан тақдирлаш тантаналари ва кексаларни эъзозлашга бағишланган турли маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Ўрта Чирик тумани "Нуроний" жамғармаси, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ва Қизил Ярим ой жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга уруш ва меҳнат фронти фахрийлари таклиф этилди. Иштирокчилар кексаларни қутлуғ сана билан қутладилар. Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг уруш ва меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

Уларга, шунингдек, байрам туҳфалари ва бепул дори-дармонлар тарқатилди.

Равшан МИРЗАҚУЛОВ.

ИЛЛАТГА ҚАРШИ ҲАМКОРЛИК

Тошкент Давлат аграр университетида вилоят ОИТСга қарши кураш маркази, ички ишлар бошқармаси, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда университет маънавият маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ўсиб келаётган авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиши, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта ўзлаштириши, турли соҳаларда истеъдод ва салоҳиятини намойиш этиши учун барча имкониятлар яратиб берилаётгани алоҳида таъкидланди.

Шифокор, ҳуқуқшунос, педагог ва бошқа мутахассислар ОИТС касаллигининг келиб чиқиши сабаблари ва аянчли оқибатлари ҳақида атрофлича маълумотлар беришди ҳамда ёшлар қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқарашни мустаҳкамлаш, уларни ўз фикрига эга, турли таҳдидларга қарши собит тура оладиган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашда ҳамкорликни кучайтириш ҳақида фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирдилар.

Юлдуз ИСАЕВА.

Эҳтиром

МЕҲРУ АРДОҒИМИЗ СИЗГА, ФАХРИЙЛАР!

Эркин, озод диёримизнинг файзиёб кунлари бисёр. Бу йил айниқса кексаларимиз, уруш ва меҳнат фронти фахрийларига кўрсатилаётган иззат-икром, эътибор-эъзознинг файз-таровати ўзгача.



Вилоят ҳокимлиги ва "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими ҳокимлигида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уюштирилган тадбирга таклиф этилган кексалар узоқ йиллар давомида ҳокимлик идораларида, раҳбарлик лавозимларида ишлаган фидойи фахрийларимиз бўлди. Уларга вилоят ҳокимлигининг совға-саломлари тақдим этилди. Билъакс, 9 май – нафақат уруш йилларида, балки тинч қурилиш йилларида, айниқса истиқлол йилларида эл-юрт хизматида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилганлар ҳам қадрланадиган кун сифатида кенг нишонланмоқда.

– Кексаларни эъзозлаш йилининг хосиятини кўрсатиб турган бугунги учрашувдаги ҳаяжонимнинг чеки йўқ, – дейди 84 ёшли Акмал ота Валиев. – Шукрким, истиқлол неъматларидан бахрамандлик бизга ҳам насиб этди. Умр бўйи давлат идораларида ишладим. Лекин мустақил Ўзбекистон келажаги учун нимадир қилиш – мен учун катта бахт. Унинг эътибори, эътирофи қалбимга малҳам. Илоҳим, юртимиз омон бўлсин, ёмон кўзлардан асрасин.

– Кексаликда одам кўпроқ эътиборталаб бўлиб қолади, дейишади. Лекин, мустақил Ўзбекистон кексалари бундан ташвишланмаса ҳам бўлади, – дейди 85 ёшли Акмал ота Икромов. – Мен ҳар куни, ҳар соатда ўзимга нисбатан эътибор, эъзозни ҳис этиб яшаяпман. Сўнгги 24 йиллик ҳаётимнинг файзи ўзгача. Ҳамиша эл-юрт эътибори, Ватан эъзозида бўлиш қандай марокли. Мен доим Юртбошимиз омон бўлсин, тинч-осуда ҳаётимизга кўз тегмасин дейман.

Ҳақиқатан ҳам "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси доирасида вилоят ҳокимлиги қарори билан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ каттаю кичикнинг чеҳрасида қувонч, шодлик мужассам. Бундай хайрли амаллар бардавом бўлгусидир.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.
Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

ФАХРИЙ ЖУРНАЛИСТЛАР ШАРАФЛАНДИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан "Авлодлар учрашуви" маърифий тадбири ўтказилди.

Унда Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, оммавий ахборот воситаларида узоқ йиллар меҳнат қилган фахрий журналистлар, миллий журналистика равнақига ҳисса қўшган ижодкорлар, ноширлар, талабалар қатнашди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И. Ҳалимбеков, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С. Саййид, Ўзбекистон халқ шоири А. Обиджон ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маданият, санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари соҳаси ривожи йўлида самарали меҳнат қилган ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг кўнглини кўтариш, рағбатлантириш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар пухта ижод намуналарининг яратилиши, ёш авлод маънавиятини юксалтиришдек хайрли мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади. "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида бу борадаги амалий чора-тадбирлар кўлами янада кенгайди.

Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан фахрий журналистлар, ноширлар, матбаа ходимларига эътибор қаратиб келинмоқда. Олий таълим масканларида тажрибали журналистлар иштирокида ўтказилаётган маҳорат сабоқлари, ижодий мулоқотлар ёшларнинг билим ва маҳоратини оширишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

– Президентимиз ташаббуси билан миллий журналистика ривожига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликдан беҳад миннатдормиз, – дейди фахрий журналист, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Анвар Шомақсудов. – "Олтин қалам" миллий мукофоти учун халқаро танлов ва бошқа танловлар ижод аҳлини рағбатлантириб, уларни маррани янада баланд олиб, ғайрат билан меҳнат қилишга илҳомлантирмоқда. Юртимиздаги тинчлик учун, кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган иззат-икром учун давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз.

Фахрий журналистлардан яна бири, уруш қатнашчиси Фёдор Ястребов 97 баҳорни кутиб олди.

– Урушдан кейин шу табаррук диёрда бахтимни топдим, – дейди Фёдор Иванович. – Ўзбекистонда кексаларни эъзозлашга доир улкан эътибор, қолаверса, бу табаррук заминнинг қулай иқлими, меҳридарё одамлари сабабли салкам юз билан юзлашиб, тетикликда умргузаронлик қилиб юрибман. Бундай эътибор учун Президентимиз Ислом Каримовдан ғоят миннатдорман.

– Биз, ёшларнинг қийинчилик кўрмай, тинчлик ва осойишталик, фаровонликда ҳаёт кечираётганимиз боболаримизнинг фидойилиги, чеккан заҳматлари, машаққатлари туфайлидир, – дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси Саидбобур Махсумов. – Уларнинг ҳаёт йўли, фидойилиги, меҳнатсеварлиги биз учун намуна.

Тадбир сўнгида байрам дастурхони ёзилиб, фахрийларга совғалар топширилди.

Н. УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ТУМАН ЮЗИДАГИ ҲУСНБУЗАР»

Газетанинг шу йил 18 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Паркент деҳқон бозорининг нон растасидаги тартибсизликлар баён этилганди. Таҳририят ушбу мақолага Паркент тумани ҳокими Ў. Алимов имзоси билан қуйидаги жавоб хатини олди:

"Мақола масалага алоқадор корхона ва ташкилотлар иштирокида муҳокама қилинди. Унда кўрсатиб ўтилган камчилик ва муаммолар жойига чиқиб ўрганилганда, ўз тасдиғини топди. Биринчи навбатда "Паркент деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамияти маъмурияти, туман ДСЭНМ раҳбарияти огоҳлантирилиб, зудлик билан мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш бўйича топшириқ берилди.

Бозорга кираверишдаги бетон ариқлар ҳар хил чиқиндиларда тозаланди. Бозор ичидаги нон маҳсулоти сотиш учун алоҳида ажратилган расталар тозаланиб, санитария талабларига жавоб берадиган ҳолатга келтирилди. Нон маҳсулоти билан савдо қилувчи тадбиркорлар шу расталарга кўчирилиб, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилган ҳолда махсус кийим-бошларда савдо қилишлари йўлга қўйилди. Бундай камчиликлар қайта-рилмаслиги туман ҳокимлиги томонидан доимий назоратга олинди".

Хатга бартараф этилган камчиликларнинг суратлари ҳам илова қилинган.

«КЎЧАНГИЗНИНГ НОМИ НИМА?»

Газетамизнинг шу йил 11 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Янгийўл тумани кўчаларининг номланишидаги тартибсизликлар ҳақида фикр билдирилганди. Ушбу мақолага туман ҳокими Р. Норбўтаев имзоси билан расмий жавоб олдик. Унда хусусан шундай дейилади:

"Мақола туман ҳокимияти иқрория маҳкама йиғилишида тегишли мутасаддилар иштирокида танқидий муҳокама қилинди. Бу борада етарлича иш олиб бормагани учун туман ҳокимияти ҳузуридаги топонимик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссия раиси ва тегишли мутасаддилар огоҳлантирилди.

Мазкур масала туман ҳокимияти томонидан назоратга олиниб, ушбу ҳолат тумандаги бошқа кўчалар номларида ҳам такрорланишининг олдини олиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди".

ХОТИРА – САБОҚ, ҚАДРЛАШ – САВОБ

Ҳар йили Хотира ва қадрлаш кунида мустақиллик майдонидаги Хотира мажмуасига минглаб юртдошларимиз эзгу ният ила ташриф буюрадилар. Мажмуадаги Иккинчи жаҳон уруши майдонларида мардлик ва жасорат кўрсатиб, бугунги тинчлик ва барқарорлик учун жон фидо қилган яқинларининг исмлари битилган лавҳаларни кўзларида ёш билан яна қайта ўқийдилар. Инсоният бошига бундай кунлар қайтиб келмаслиги учун жаҳон ҳамжамияти бор куч ва имкониятларни тўла сафарбар этиши зарурлигини яна бир бор англаб етадилар. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида қирғинбаротлар ҳамон давом этаётган, одамларнинг тинч ва осойишта ҳаётига рахна солаётган кучлар кўпайиб бораётган бугунги кунда юртимиздаги барқарорлик ва фаровон ҳаёт учун Яратганга шукроналар айтадилар. Мана, нима учун керак хотира туйғуси!

Ўтмиш аждодларнинг эзгу ишларини ўрганиш, уларга муносиб бўлишга интилиш, улар эришган муваффақиятларни янгиянги ютуқлар билан бойитишга ҳаракат қилиш, ўз навбатида, авлодларнинг комил инсон бўлиб етишишига хизмат қиладди. Комил инсонлар эса, жамият тараққиётини таъминловчи етакчи кучдир.

Миллатимизнинг улуғ байрамига айланиб улгурган Хотира ва қадрлаш кунининг яна бир муҳим жиҳати қадрлаш тушунчасида намоён. Қадрлаш туйғуси ҳам биз ўзбекларнинг менталитетимизга хос. Ўтганларни ёдга олиш, тарихни хотирлаш қанчалик муҳим бўлса, тирикларни, бугунги тинч ва осойишта ҳаётни қадрлаш шунчалик аҳамиятли экани ортиқча изоҳ талаб қилмайди.

Ҳамнафас, ҳамқадам бўлиб, озод ва обод жамият барпо этаётган ватандошларимизни қадрлаш маънавиятни юксалтиришнинг асосий шартларидан биридир. Маънавий илдизларини унутмайдиган, асрлар синовидан ўтган энг яхши хусусиятларини асраб-авайлайдиган, гард юқтирмай келажак наслларга етказишни ҳам фарз, ҳам қарз деб биладиган миллатнинг келажаги буюк бўлиши шубҳасиз.

2015 йил "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилингани замирида ҳам миллатимизнинг асрий қадриятлари мужассам. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда: "Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуғ одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди". Инсон қадри ва шаъни мамлакатимизда олий қадрият даражасига кўтарилганига ишора бу сўзлар. Мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёлларники эса, 75,8 ёшга етгани жамият аъзоларига кўрсатилаётгани эътибор ва ғамхўрликлар самараси дейилса, асло муболаға бўлмайди.

Ўтганларни, тарихни хотирлашдан мурод – сабоқ ва ибрат олмоқдир. Тирикларни, бугунги фаровон ҳаётни қадрлаш эса, энг улуғ савобдир. Хотира ва қадрлаш туйғуларининг одамлар қалбидан чуқур жой олиши замирида шундай теран моҳият мужассам. Модомики, бу туйғулар барқарор экан, жамият маънавий юксалишдан асло тўхтамайди. Маънавий юксалиш эса буюк келажакка элтувчи нурли йўлдир.

Абдуғани СУЛАЙМОН.

(Давоми. Боши 1-бетда).

КЕЛБАТИ ҲАМ, ҚАЛБИ ҲАМ КЎРКАМ ЭДИ

Аҳмад Исмоилов шундай хислату фазилатларга бой бағри кенг инсон эди. У барчага бирдек меҳрибон, бирон илтимос билан мурожаат қилган бошқа таҳририятлар, нашриёт ва босмахона ишчи-хизматчиларига ҳам қўлидан келган ёрдамини аямаган.

Ходимларнинг ижодий фаолиятими, оилавий шароитими, у кишининг эътиборидан четда қолмаган ва ҳар бирининг кичкинагина ютуғидан ўз оила аъзоларининг муваффақиятидек қувонарди. 1979 йилда илғор ишчи ва қурувчилар ҳақидаги биринчи китобим – "Ёниқ юлдузлар" чоп этилди. Унинг биттасига дастхат ёзиб, бош муҳаррир хонасига кирдим. Оддий ходим ҳуда-беҳудага у кишининг қабулига киравермас эди. Катта хона тўрида ўтирган Аҳмад ака саҳифа ўқишдан бош кўтариб, кўзойнак оша ҳайронроқ қараб турарди. Стол ёнига бориб, узр айтиб, китобимни узатдим. У пайтда журналистнинг китоби чиқиши камёброқ ҳол эди. Аҳмад ака китобни ишонмайроқ қўлига олиб, муқовасига қаради-ю, ўрнидан туриш асносида мени бағрига босиб табриклади. Ва, мени етаклаганча йўлакка чиқиб, хоналарга кириб-чиқаётган ходимларни чорлай бошлади: "Саидвали, Жасур, буёққа келинглар, Соатвой, буни қаранг, Ҳабини китоби чиқибди!" Бу шов-шувга йўлак ходимларга тўлиб кетди. Бош муҳаррир оддий бир ходимнинг китоби чиққанини бутун жамоанинг тантанасига айлантириб юборди...



Ҳам мавқели газетанинг редактори, ҳам самимий инсон сифатида пойтахт шаҳар ва вилоятда барча катта-кичик идораларнинг раҳбарлари у кишини яхши таниган ва ҳурмат қилган. Жойларда бу газета мухбирларига муносабат ҳам шунга яраша эди. Идора раҳбарига "Аҳмад акам салом айтиб юбордилар" дейилса, битмаётган иш дарҳол битиб кетаверарди. Бошпанадан қийналаётган сўққабош ходимни ётоқхонага жойлаган, оилавий шароити оғир ходимга тураржой шароитини яхшилашга кўмаклашган, автомобиль сотиб олмоқчи бўлган ходимга тегишли ташкилотларга айтиб, навбатни тезлаштиришга ёрдам берган...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аҳмад ака айни пайтда даврани яхши кўрадиган, даврадагиларни бир-бирига яқинлаштирадиган инсон эдилар. Фақат меҳмондорчиликни эмас, меҳмондўстликни ҳам ўрнига қўя билгани учундир, қўшни республикаларда ҳам Аҳмад Исмоиловни қадрлайдиганлар кўп эди. Етмишинчи йилларнинг охирида ноқоратупроқ ерларни ўзлаштириш ташаббускорлари "туғма газетчи" дерди. У кишининг раҳбарлигида ўн йил ишлаб, бунга ўзим шоҳид бўлганман, ҳайратланганман, тан берганман. У киши "Тошкент ҳақиқати"дан олдин республиканинг ўша даврдаги бош нашри – ҳозирги "Ўзбекистон овози" газетасида масъул котиб бўлган эканлар. Масъул котиб, таъбир жоиз бўлса, у даврда "газетанинг юраги" бўлган: газетанинг чиройи ва мазмуни кўп жиҳатдан масъул котибнинг тажрибаю маҳоратига боғлиқ эди.

Навбатчи эдим. Аҳмад ака кечки меҳмондорчиликдан кейин ҳам алламаҳалгача саҳифа ўқиб, тўрттала бет "ёпилгач", уйга кетаётиб: "Ҳаби, босмахонада яна бир яхшилаб қараб қўйгин сарлавҳаларга" дея тайинлаб, хайрлашдилар. Босмахонага тушиб, эртанги газетанинг "сигнал" нусхаларига чоп этишга рухсат деб имзо қўядиган вақтгача ҳали бир-икки соат бор. Бирдан таҳририят биносида "расмий хабар келяпти" деган хабар тарқалди. Бу, албатта, биринчи бетга жойлаштирилиши керак. Шошиб қолдим-да, соат кечқурунги 11 бўлишига қарамай, Аҳмад аканинг уйига қўнғироқ қилишга мажбур бўлдим. У кишининг уйқусираган овози бу хабарни эшитиб бирдан тетиклашгандай бўлди ва менга биринчи бетдаги фалон-фалон сарлавҳали мақолаларни олиб, иккинчи бетдаги фалон сарлавҳали мақоланинг ўрнига жойлаштиришни, иккинчи бетдан олинган мақолани эса учинчи саҳифадаги бошқа бир сарлавҳали материал ўрнига жойлаштиришни тайинлаяптилару, мен эса қўл остимда турган саҳифалардан у киши айтган мақолаларни топишга зўрға улгураяпман...

Аҳмад ака турмуш ўртоғини, фарзандларини ҳурмат қиладиган, яхши кўрадиган оилапарвар ота, садоқатли эр ҳам эди. Кеннойи Соня опани оёғи хасталиги боис, бирнеча марта Москвага олиб бориб, операция қилдирганидан жамоада кўпчилик хабардор. Катта қизи Диля шифокор, ТошМида ишларди, Гуля ҳам олий маълумотли, Фарҳод отаси каби хушсурат ва дилкаш йигит, кимё фанлари номзоди, кимё институтида илмий ходим, Шуҳрат спортчи, кенжа Баҳодир – қоп-қора кўз-қошлари, барваста қомати отасидан нусха кўчиргандек йигитча ТошДУнинг юридик факультетида ўқирди...

Аҳмад Исмоилов бош бўлган "Тошкент ҳақиқати" газетаси раҳбарга, жамоа аъзоларига монанд бообрў нашр эди ва ҳозиргача шу анъана маъно-мазмунини сақлаб, ҳар бир сонидан газетхон жилла қурса битта-иккита "ўқийдиган нарса" топаётган нашрлигича давом этмоқда...

Аҳмад Исмоилов хотираси ҳурмати ушбу жамоанинг Аҳмад акага шогирд ва ҳамнафас, ака-ука бўлган иқтидорли журналисту ажойиб инсонлар – "Тошкент ҳақиқати"ни узоқ йиллар елкасида кўтарган қаламкашлар Мирсобир Мирҳамидов, Носир Рихсиев, Насрулла Ҳикматуллаев, Жасур Носиров, Будир Пўлатов, Шароф Умирзоқовларнинг номларини тилга олиш, хотирасини ёд этиш фахрли ва ўринлидир...

Эътироф этиш лозимки, юқорида номлари саналган ва саналмаган қаламкашларнинг аксарияти бу таҳририятда йигирма-ўттиз йил ишлаганлар. Талабалигимда бу таҳририятга ишга тавсия қилган домла Тўлаган Нажмиддинов (раҳматли) "мен у ерда 14 йил ишладим, ёмон бўлмадим, аҳил жамоа, ўйламасдан боравер, ўкишни битирганингда у ерда жой бўлмаслиги мумкин" деган эди. Домла 14 йил ишлаган бўлса, мен йигирма йил ишладим. Булар эса жамоанинг аҳиллиги, муҳитнинг соғломлиги ва бу муҳитни шакллантира олган Аҳмад Исмоиловнинг салоҳияти тасдиғидир.

Аҳмад акани тушимда кўргач, бу йил эрта-индин мақолани албатта ёзаман энди деб юргандим, қўқисдан таниқли адабиётшунос олим, дўстимиз Шуҳрат Ризаев телефон орқали йўқлаб қолди: "Ака, сиз "Тошкент ҳақиқати"да ишлаган экансиз. Аҳмад Исмоиловни биласизми, шу киши бу йил бешинчи майда юз ёшга кирар эканлар, менинг бир ўртоғим у одамнинг Баҳодир исмли ўғли билан оғайни экан, дадамни танийдиган ҳамкасбларини аниқлаб беринг, деб илтимос қилибди" деди. Мен унга юқоридаги гапларнинг айримларини қисқа айтдим ва қўшдим: тасодифни қаранг, юз ёшни билмаган эканман, бекорга тушимга кирмабдилар, ўзим эртаиндин Хотира кунига ёзмоқчи эдим.

– Унда албатта ёзинг, ака...

Ҳа, Аҳмад Исмоилов фарзандлари қалбида, ҳамкасб-шогирдлари хотирасида яшамоқда, яна ҳали узоқ яшайверади...

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, журналист-ҳуқуқшунос.

СУРАТДА: Аҳмад Исмоилов таҳририят ходимлари билан. *(Архив сурати).*

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

ХАЙРЛИ АМАЛЛАР ҚАНОТ ЁЗМОҚДА

"Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси Ангрен шаҳри ва Оҳангарон тумани кексаларидан бир гуруҳининг Тошкент шаҳри ва вилоятимиздаги қадамжолар бўйлаб саёҳатини уюштирди.



– Бугунги саёҳат мен учун энг унутилмас кунга айланди, – дейди оҳангаронлик меҳнат фахрийси Рисгул Мадаминова. – Айниқса қайта таъмирланган Зангиота зиёратгоҳи, янги қурилган "Минор" масжидини кўришни орзу қилиб юрувдим. Ўзим узоқ йиллар маҳалла раиси, маслаҳатчиси бўлиб ишлаганман. Одамларга меҳр-оқибат кўрсатиш, эзгулик улашиш инсонни маънан улуғлайди. "Шоабдумалик ота" қадамжосини зиёрат қилар эканман, аждодларимизнинг улуғвор сиймолари кўз ўнгимда гавдаланди. Шу кунларга етганимга, истиқлол шарофати, мустақиллик неъматлари насиб этганига шукр қиламан...



Саида РАҲМОНОВА. Даврон АҲМАД олган суратлар.

Анжуман

ИНТЕРНЕТ-ЖУРНАЛИСТИКА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПМОҚДА

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида "Миллий интернет-журналистикасини ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзуида республика анжумани ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, медиа-соҳа экспертлари, марказий ва ҳудудий босма ҳамда интернет оммавий ахборот воситалари журналистлари иштирок этган анжуманда "Интернет-журналистика ва анъанавий ОАВ ҳамкорлигининг муҳим жиҳатлари", "Очиқ маълумотлар портали: давлат бошқаруви органлари очиқлигини таъминлашнинг муҳим таркибий қисми", "Меъёрий ҳужжатлар таъсирини муҳокама қилиш тизимининг жамоатчилик фикрини ўрганишдаги ўрни" каби мавзуларда маърузалар тингланди. Ахборот соҳасига оид миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, онлайн – ОАВни ривожлантириш, веб-нашрлардаги мақолалар сифатини яхшилаш, шунингдек, ОАВнинг жамиятдаги роли ва таъсирини кучайтириш, медиа-соҳанинг фаолиятига кенг йўл бериш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Таъкидландики, бугун мамлакатимизда 20 мингдан зиёд веб-сайтлар фаолият юритмоқда. Шундан 300 дан ортиғи ОАВ сифатида рўйхатдан ўтган. Демак, интернет ОАВ инсон ва жамият ҳаётида ўз ўрнини эгалламоқда.

Ирода НОРБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Танлов

Оҳангарон туманида "Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича энг намунали маслаҳатчиси" кўрик-танлови ўтказилди.

ЭНГ ҲАРАКАТЧАН, ЗУККО, БИЛИМДОН ВА ФАОЛ

Туман миқёсида уюштирилган танловда 20 маслаҳатчи иштирок этиб, тасвирий лавҳалар орқали асосан 3 та шарт бўйича беллашишди. Улар тегишли қонун ҳужжатлари билан ишлаш, маънавий-маърифий тадбирларни намунали ўтказиш, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, диний ақидапарастлик ва экстремизмга қарши курашиш, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини кенгайтириш каби фаолиятларини слайдлар орқали тушунтириб беришди. Шунингдек, маслаҳатчиларнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий билимлари савол-жавоб орқали аниқланди.

Танлов якунига кўра "Бахт", "Ўзбекистон" ва "Янгиобод" маҳаллалари маслаҳатчилари шоҳсупадаги учта совринли ўринни эгаллашди.

Ижтимоий шериклик тамойиллари асосида, хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ЁИҲ, касаба уюшмаси, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бўлимлари, "Хонобод" жоме масжиди ҳамкорлигида ўтказилган тадбир сўнгида ғолиб ва иштирокчиларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

БАЙРАМ АРАФАСИДАГИ УЙ ТЎЙЛАРИ

Бўстонлиқ тумани "Наврўз" маҳалласида бунёд этилган замонавий 34 хонадондан иборат "Камолот" уйларини эгаларига тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида қурилган ушбу тураржойлар туманнинг фан, таълим, спорт ва санъат каби йўналишларда муваффақиятларга эришаётган ёш оилаларга тақдим этилди.

– Бу кун ҳаётимда унутилмас бўлиб қолади, – дейди янги хонадон соҳибаси Сауле Кенжаева. – Уйнинг имтиёзли кредит эвазига узоқ йиллик муддатга берилгани бизни жуда қувонтирди. Бунинг учун Юртбошимиздан, ёшларга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликдан чексиз миннатдормиз.

"АСИМ СЕРВИС БИЗНЕС" масъулияти чекланган жамияти бунёд этган шинам хонадонлар Сауле сингари кўплаб туман ёшларининг қувончига сабаб бўлди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.



Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Даврон АҲМАД олган сурат.

Огоҳлик

БУГУННИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

Қибрай туманидаги тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида ёшларни соғлом эътиқод, ватанпарварлик ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, гиёҳвандлик, одам савдоси, диний ақидапарастлик, бузғунчи ғоялар ва турли иллатлар таъсиридан ҳимоя қилишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Туман ҳуқуқ-тартибот идоралари, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда таълим муассасалари раҳбарлари ва ёшлар иштирок этди.

Таъкидландики, бугунги глобаллашув даврида дунёнинг турли минтақаларида юзага келаётган нотинч вазият ва диний экстремистик оқимларнинг қўпорувчилик ҳаракатлари, гиёҳвандликнинг оммалашиб бориши, энг хавфлиси ёшлар онгу тафаккурини турли йўллар билан эгаллашга уриниш огоҳлик ва ҳушёрликни янада оширишни, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асрашни кучайтиришни тақозо этмоқда.

Тадбирда ёшларни жисмонан соғлом, маънан баркамол этиб тарбиялаш, уларни гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби иллатлардан ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш мавзуларида маърузалар тингланди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2014»

танловига марҳамат!

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти – 2014" танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2014 йилнинг 1 июнидан 2015 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририятлар тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 10 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2014" танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар "Йилнинг энг фаол журналисти – 2014" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30, 35-хоналар. Телефонлар: 244-64-61, 244-37-87. www.journalist.uz.

Эълонлар

«ТОШКЕНТ ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ»

акциядорлик жамияти жамоаси



вилоятимиз аҳлини, хусусан,
нуроний отахон ва онахонларни,
уруш ва меҳнат фахрийларини

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

билан самимий муборакбод этади.

Юртимиздаги бугунги тинч ва осуда, фаровон ва нурафшон кунларга чексиз сабот ва матонат билан эришган нуронийлар эзгу қадриятлар юксак қадрланадиган диёрда ҳамиша эъзоздалар. Уларнинг ҳаёт йўли барчамизни тинчликнинг қадрига етишга, шукроналик билан яшашга ундайверади.

РЕЕСТР № 19-03-22-05-ЎзР-32-2015
ТАБИИЙ ГАЗ УЧУН ТАРИФЛАР
2015 йил 15 майдан жорий этилади.
Умумий кўрсатмалар

1. Ушбу прейскурант тарифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолига етказиб бериладиган табиий газга тааллуқлидир.

2. Иситиш ускуналари туридан қатъи назар, аҳоли томонидан ҳовли ва кўп қаватли уйларни иситишда табиий газдан фойдаланиш учун тўлов беш ойлик иситиш мавсуми давомида ҳар ой ҳисобидан белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан иситиш мавсуми беш ойдан ортиқ ёки кам қилиб белгиланган тақдирда газдан фойдаланганлик учун истеъмолчилар билан тегишли тарзда ҳисоб-китоб қилинади.

3. Истеъмолчи (абонент)ларда иккита ёки ундан кўп газ плитаси ёки иссиқ сув таъминоти учун иситгич бўлса, ушбу ускуналар учун газ сарфлаш меъёри икки марта ёки ундан кўпроқ оширилади.

4. Газ ўлчагичлар ўрнатилган ҳовли ва кўп қаватли уйларда фойдаланилган газ учун тўловлар газ ўлчагичлар кўрсаткичи ва ушбу прейскурантда белгиланган тариф бўйича тўланади.

5. Фойдаланилган газ учун тўлов миқдорини аниқлашда хонадоннинг барча аъзолари, шу жумладан, вақтинча яшаётганлар ҳам ҳисобга олинади.

6. Иситилаётган хоналар деганда, бутун фойдали ҳажм: иситиш ускунаси қаерда жойлашганидан қатъи назар, яшаш хоналари, ваннахоналар, ошхона, ички йўлаклар, шунингдек, иситиш ускуналари бор бошқа хоналар (веранда, терасса, ойнаванд балконлар ва бошқа қўшимча қурилишлар) тушунилади.

7. Прейскурантнинг 2-бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига етказиб бериладиган табиий газ сарфи меъёрлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Иситиладиган хона меъёри бир кишига 43 куб метр қилиб белгиланган.

Хоналарни меъёрда белгиланган ҳажмда (43м³/киши) иситиш учун фойдаланилган газ ҳақи белгиланган тариф бўйича, меъёрдан ортиқча ҳажми учун эса бир ярим баробар миқдорида тўланади.

8. Автоном сув иситгич ва қозонлар орқали иссиқхона (теплица) ва оранжереяларни иситиш, якка тартибда меҳнат фаолиятини юритиш чоғида тандир, овқат пиширишучун фойдаланилган газ ҳақи улгуржи истеъмолчилар учун белгиланган тарифларда олинади. Газ ўлчагичлар йўқ бўлса, газ сарфи кечаю кундуз ишлаган газ ёқиш ускуналарининг энг юқори қуввати ва иситиш мавсумига тузилган шартномада белгиланган тартибда аниқланади.

9. Ушбу прейскурантнинг "Умумий кўрсаткичлар"и, агар қўшимча прейскурантда бошқача кўрсатилмаган бўлса, бошқа барча қўшимча прейскурантларга ҳам тегишлидир.

10. Ушбу чакана тарифлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги илгари тасдиқлаган (2014 йил 15 сентябрь, реестр № 19-03-22-05-ЎзР-85-2014) нархлар ўрнига 2015 йил 15 майдан жорий этилади.

1. Аҳоли томонидан фойдаланилган табиий газ учун тарифлар*)

Т/р	Кўрсаткич	Стандарт ёки ТУ	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги тарифи (сўм)
1.1	Газ ўлчагичи бор аҳолига етказиб бериладиган газ	ГОСТ 5542-87	10м³	1 947,00
1.2	Газ ўлчагичи йўқ аҳолига етказиб бериладиган газ:			
	овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун	-«-	10м³	3 367,05
	Иситиш учун	-«-	10м³	1 561,50

2. Газ ўлчагичлари йўқ ҳолатда коммунал-рўзғор эҳтиёжларига ишлатиладиган газ учун тарифлар (ГОСТ 5542-87)

Т/р	Истеъмолчи тавсифи	Ўлчов бирлиги	Тариф бўйича тўловлар	
			Йиллик*)	Ойлик
2.1	Марказий (якка) иссиқ сув таъминоти бор уйларда овқат пишириш газ плиталари	Бир яшовчидан 11,0м³	44 445,00	3 703,75
2.2	Газда сув иситиш ускунаси ҳамда марказий иссиқ сув таъминоти йўқ уйларда овқат пишириш газ плиталари	15,0м³	60 607,20	5 050,60
2.3	Марказий иссиқ сув таъминоти бўлмаган ёки вақти-вақти билан ишлайдиган иссиқ сув таъминоти бор уйларни иссиқ сув билан таъминлаш учун газли иситгичлар	16м³	64 647,60	5 387,30
2.4	Иситиш газ ускуналари туридан қатъи назар, уй ва квартираларни беш ойлик иситиш мавсуми давомида иситишда газдан фойдаланганлик учун ойига:	Иситиладиган хонанинг 1м² учун		
	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида	Хонанинг 1м² учун 6,0м³	4 684,50	936,90
	Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда	Хонанинг 1м² учун 5,76м³	4 497,00	899,40
2.5	Дағал ва илдизмевали озуқаларни буғлаш ҳамда ичириш ва санитария мақсадлари учун сув иситишни ҳисобга олган ҳолда молларга озуқа тайёрлаш	Отга 5,6м³	22 626,60	1 885,55
		Сигирга 23,7м³	95 758,80	7 979,90
		Қўй (эчки)га 2,2м³	8 889,00	740,75
		Чўчқага 12,5м³	50 505,60	4 208,80

*) *Иситиш ҳақи беш ойлик иситиш мавсуми давомида тўланади.*

Реестр № 19-03-22-05-ЎзР-31-2015 улгуржи истеъмолчилар ҳамда иссиқлик таъминоти корхоналарига етказиб бериладиган табиий газнинг

УЛГУРЖИ НАРХЛАРИ
2015 йил 15 майдан жорий этилади

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Улгуржи нархлар (ҚҚС билан сўмда)
Улгуржи истеъмолчиларга ҳамда иссиқлик таъминоти корхоналарига етказиб бериладиган табиий газ	1000 куб.м	194 700

Эслатма:
1. Табиий газ калория учун қайта ҳисоб-китобсиз берилади.
2. Улгуржи истеъмолчиларга табиий газнинг улгуржи нархи унинг физик-кимёвий кўрсаткичларидан қатъи назар, ягона ҳисобланади.
3. Мазкур реестрга амал қилина бошланиши билан 2014 йилнинг 15 сентябрдаги № 19-03-22-05-ЎзР-86-2014 реестри ўз кучини йўқотади.

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2015 йил 10 июнь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига ЖИБ Тошкент вилоят судининг 16.02.2015 йилдаги 2-20/854-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан хатланган ҳамда Чирчиқ шаҳар ИИБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: бошланғич баҳоси 16 325 000 сўм бўлган 2006 йилда и/ч, ранги сариқ (желтый), д/р 10A030JA, техник соз, "ГБА-СПГ-ГАЗ-322132" р-ли микроавтобус, бошланғич баҳоси 16 325 024 сўм бўлган 2006 йилда и/ч, ранги сариқ (желтый), д/р 10P301EA, техник соз, "ГБА-СПГ-ГАЗ-322132" р-ли микроавтобус, бошланғич баҳоси 16 658 188 сўм бўлган 2008 йилда и/ч, ранги оқ (белый), д/р 10W213AA, техник соз, "ГБА-СПГ-ГАЗ-322132" р-ли микроавтобус, бошланғич баҳоси 16 325 024 сўм бўлган 2008 йилда и/ч, ранги оқ (белый), д/р 10A202GA, техник соз, "ГБА-СПГ-ГАЗ-322132-414" р-ли микроавтобус, бошланғич баҳоси 37 001 000 сўм бўлган 2012 йилда и/ч, д/р 10J121JA, техник соз, "Дамас" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси 40 399 000 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, ранги оқ, д/р 10X470KA, техник соз, "Спарк" р-ли ав-на. Савдолар Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган "Савдо ташкилотчиси"нинг аукцион залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин 2015 йил 9 июнь куни соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "InfinBANK" Шайхонтоҳур филиалидаги, МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар - паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслар - сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (95) 177-96-74, e-mail: info@auksion.uz. Гувоҳнома № 005148.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган "RAMZ" МЧЖга тегишли бўлган Мирзо Улугбек туман ҳокимияти томонидан 30.08.2005 йилда рўйхатга олинган № 04-0000799-сонли гувоҳнома, жамият устави, думалоқ муҳр ҳамда бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"QORA QAMISH KOMMUNALCHI" уй-жой мулкдорлари ширкати "OLTINBULOQ KOMMUNAL" уй-жой мулкдорлари ширкатига бирлашишини маълум қилади ҳамда унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган "GUVEN" МЧЖга тегишли бўлган Ҳамза тумани ТСРЎИ томонидан 29.09.2008 йилда рўйхатга олинган № 00202807-сонли гувоҳнома, жамият устави, думалоқ муҳр ҳамда бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "SALOMAT-FARM-SERVIS" (ИНН 205860931), зарегистрированное ИРСП хокимията Чиланзарского района г. Ташкента за реестр № 001538-08 от 24.11.2009 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Чиланзарская, дом 13/2, ликвидируется (решение учредителя № 2 от 08.05.2015 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 04.07.2006 йилда № 002461-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "JANNAT OROM KAMMUNALCHI" МЧЖ тугатилади (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил апрелдаги ПҚ-630-сонли Қарорига асосан).

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Agro sanoat mulk markazi" МЧЖда 2015 йил 9 июнь куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: I. Бектемир туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ИИБ Ахборот марказида сақланаётган: 1. 14.09.2009й. 1-674-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1963 йилда и/ч дав. бел. 11 К 2070 бўлган "М-21 УС" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 827 231,40 сўм. 2. 16.02.2010й. 1-45-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1987 йилда и/ч дав. бел. 30 І 1541 бўлган "Москвич 412" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 125 330,53 сўм. 3. 07.03.2012й. 2-24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1983 йилда и/ч дав. бел. 11 Х 8782 бўлган "Москвич 412" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 620 918,10 сўм. 4. 12.02.2013й. 1-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1991 йилда и/ч дав. бел. 01 823 NBA бўлган "ГБАСПГ КАВЗ 3271" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 191 665,26 сўм. 5. 12.02.2013й. 1-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1987 йилда и/ч дав. бел. 01 935 ТВА бўлган "ГБАСНГ ГАЗ 5205" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 1 700 429,46 сўм. 6. 08.04.2013й. 1-74-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1977 йилда и/ч дав. бел. 10 R 796 CA бўлган "Ваз 2103" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 293 305,51 сўм. 7. 18.01.2013й. 1-414-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 V 984 AA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 670 639,60 сўм. 8. 27.11.2014й. 1-813/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч дав. бел. 30 Р 944 FA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 32 400 000 сўм. 9. 13.03.2014й. 1-183/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 Х 153 ЕА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 884 126 сўм. 10. 26.11.2013й. 1-456-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2006 йилда и/ч дав. бел. рақамсиз бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 332 366 сўм. 11. 11.04.2014й. 1-306/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 Е 718 GA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 31794 741,80 сўм. 12. 22.08.2013й. 1-216-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1999 йилда и/ч дав. бел. 01 О 090 ВА бўлган "Мерседес Бенц S320" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 68 038 320,38 сўм. 13. 14.03.2014й. 1-30-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1990 йилда и/ч дав. бел. 10 R 095 EA бўлган "Газ 24" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 376 000 сўм. 14. 14.03.2014й. 1-30/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1980 йилда и/ч дав. бел. 10 S513EA бўлган "ГБАСПГАЗ3324" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 047 000 сўм. 15. 14.03.2014й. 1-363/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2005 йилда и/ч дав. бел. 10 V 832 НА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 26 000 000 сўм. 16. 14.03.2014й. 1-126/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 С 274 КА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 32 000 000 сўм. II. Сергели туман СИБ томонидан, 20.06.2014й. 10-1410/7037-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели туман СИБ худудида сақланаётган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 209 ВВА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 12 931 719 сўм. III. Чилонзор туман СИБ томонидан, 12.01.2015й. 13-421/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган: 1. 2003 йилда и/ч дав. бел. 01 Р 706 LA бўлган "Мерседес Бенц 320" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 61 000 000 сўм. 2. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 N 202 GA бўлган "Лексус IS250" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 110 000 000 сўм.

2015 йил 26 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар такроран қўйилмоқда: I. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, 24.03.2014й. 1-12/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган: 1. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 126 NBA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 950 000 сўм. 2. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 154 NBA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 950 000 сўм 3. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 145 MAA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 950 000 сўм. 4. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 802 OAA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 950 000 сўм. 5. 1999 йилда и/ч дав. бел. 01 010 ТАА бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 80 750 000 сўм. 6. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 075 ZAA бўлган "Audi S5 Coupe 4.2" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 266 452 200 сўм. 7. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 337 DAA бўлган "Lexus LS460L" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 205 200 000 сўм. 8. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 783 ТАА бўлган "Эпика" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 52 250 000 сўм. 9. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 В 432 НА бўлган "Audi A8L Quatro" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 213 750 000 сўм. 10. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 N 557 JA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 42 560 000 сўм. 11. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 470 NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 43 605 000 сўм. 12. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 438 NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 799 145 сўм. 13. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 544 NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 800 000 сўм. 14. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 439 NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 800 000 сўм. 15. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 856 LAA бўлган "Hyundai H-100" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 51 300 000 сўм. 16. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 870 ВВА бўлган "Hyundai H-1 GLS" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 950 000 сўм. 17. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 906 DAA бўлган "Лада11184-114-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 950 000 сўм. 18. 1999 йилда и/ч дав. бел. 01 905 DAA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 340 000 сўм. 19. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 275 ЕАА бўлган "АГБСНГ-ГАЗ330200-1414-21" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 38 000 000 сўм. 20. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 920 DAA бўлган "Ваз11183-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 475 000 сўм. 21. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 921 DAA бўлган "Лада11193-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 950 000 сўм. 22. 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 913 DAA бўлган "Ваз21041-182-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 955 000 сўм. 23. 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 922 DAA бўлган "Лада11183-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 525 000 сўм. 24. 2008 йилда и/ч дав.бел. 01 908 DAA бўлган "Лада11174-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 000 000 сўм. 25. 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 911 DAA бўлган "Ваз21104" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 000 000 сўм. 26. 1956 йилда и/ч дав. бел. 01 056 ТАА бўлган "ЗИМ-12" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 084 129 сўм. 27. 1969 йилда и/ч дав. бел. 01 069 ТАА бўлган "Опель Адмирал" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 8 016 131 сўм. 28. 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 061 WBA бўлган "Isuzu NQR 71 PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 000 000 сўм. 29. 1941 йилда и/ч дав. бел. 01 041 МАА бўлган "Гономак" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 9 221 240 сўм. 30. 1943 йилда и/ч дав. бел. 01 043 МАА бўлган "Крайслер" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 415 274 сўм. 31. 16.10.2013й. 62989/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Феруза Баракат Сервис" МЧЖда сақланаётган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 О 862 FA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 473 169 сўм. 32. 22.08.2013й. 58980/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 Т 836 LA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 323 308 сўм. 33. 07.01.2014й. 613/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 А532 GA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 932 170 сўм. 34. 15.08.2011й. 25578-85/22-25-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1995 йилда и/ч дав. бел. 19 А 351 бўлган "SK 24" русумли ярим трикама воситаси. Бошланғич нархи 21 888 333 сўм. II. Сергели туман СИБ томонидан, 29.10.2013й. 1-803/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1978 йилда и/ч дав. бел. 01 О 347 JA бўлган "Ваз 21011 СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 4 022 234 сўм. III. Олмазор туман СИБ томонидан: 1. 13.05.2013й. 15356-82ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 10 ВС 983 бўлган "Газ-2705-14" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 29 136 690 сўм. 2. 12.06.2012й. 19628/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Себзор" жарима майдончасида сақланаётган, 1979 йилда и/ч дав. бел. 30 Е 5742 бўлган "Ваз 2103" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 1 921 777,13 сўм. 3. 24.12.2010й. 1-316/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Чорсу" жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 213 CA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 500 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29.

Гувоҳнома: 006388.

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

"VIP REAL ESTATE" МЧЖ ҳамда "Зангиота туман МТП" МЧЖ билан ҳамкорликда 2015 йил 9 июнь куни соат 10.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес шаҳри, Бинокорлар кўчаси ҳудудида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 2,4060 га, умумий қурилиш ости майдони 4614,31 кв.метрдан иборат "Машина трактор парки" бино-иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 995 000 000 сўм. Мазкур объект сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2015 йил 16, 23, 30 июнь кунлари соат 10.00 да ўтказилади. Аукцион савдоси Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Назарбек ҚФЙ, Назарбек кўчаси, 21-уйда, Тошкент вилояти "Зангиота туман МТП" МЧЖ мажлислар залида ўтказилади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши ва мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқари "Савдо ташкилотчиси"га сотув нархининг 2 (икки) фоиз миқдорида комиссион йиғимни тўланиши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 10.00 да тўхтатилади. Закалат миқдори 20 (йигирма) фоиз.

2015 йил 10 июнь куни соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 12.11.2012 йилдаги УСК-1-431/2012-сонли ижро варақасига ҳамда 04.12.2012 йилдаги 12489-сонли ижро ишига асосан Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туман СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси - 570 539 000 сўм бўлган Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чимган ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 881,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 295,5 кв.метрдан иборат бўлган "Дала ҳовли" қўйилмоқда. Савдога чиқарилган мулк билан тегишли туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда, "Савдо ташкилотчиси"нинг савдолар залида ўтказилади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Закалат миқдори 10 (ўн) фоиз.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг белгиланган фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчисининг АТБ "InfinBANK" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000600250595001, МФО 01041, ИНН 302681189 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак. Аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz.

Лицензия рақами № RR 0173.

ТАБРИК

Чирчиқ шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда 15-умумтаълим мактаби жамоаси

барча нуроний отахон ва онахонларни

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

билан муборакбод этади. Уларга тинчлик-хотиржамлик ва оилавий тотувлик тилайди. Доимо эъзозу эҳтиромда бўлинг.



Оилада тарбия

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Доно халқимизда: "Бола тарбияси бешикдан бошланади" деган ҳикмат бор. Ҳеч бир фарзанд маънавий нуқсон билан туғилмайди. Боланинг феъл-атвори, гап-сўзлари, катталар олдида ўзини тутишига оид кўникмалар аввало оилада, ота-она таъсирида шаклланади.

Қишлоғимизда узоқ йиллар халқ таълими соҳасида ишлаб, ёшларга таълим-тарбия берган кекса устозлардан бири Ҳасан ота Абдурашидов билан кўчада суҳбатлашиб бораётиб, йўл бўйида ўйнаётган уч-тўрт боланинг хандон отиб кулаётгани хаёлимизни бўлди. 4-5 ёшлардаги бир болакай қўлидаги бўш ароқ шишасини оғзига олиб борар, гандираклаб, "маст бўлиб қолдим" деб гоҳ чўккалаб, гоҳ ўзини ерга ташлаб, атрофдаги ўртоқларини кулдирарди. Болакайлар билан саломлашдик ва кимнинг фарзандлари эканларини сўрадик. Улар уялиб, ерга қараб жавоб қайтаришди. Аммо ўзини мастликка солаётган болакай беписанд турарди. Болалардан у кимнинг фарзанди эканини билиб олдик. Шунда фарзандларнинг хулқ-атвори, дунёқараши шаклланишида тарбия нақадар муҳим омил экани хаёлимдан ўтди. Фикримни пайқагандек Ҳасан ота сўз қотдилар:

– Қаранг, домла, "Қуш уясида кўрганини қилади" деган ҳикмат нақадар топиб айтилган. Бу боланинг отасига ҳам мактабда сабоқ берган эдим. Хулқи, ахлоқи чатоқ эди. Кейин ҳам муқим бир ишнинг бошини тутмади. Ичкиликка ружу қўйиб, мана, фарзандлари тарбиясида ҳам ахлоқ тизгинини бой берибди. Маҳалла оқсоқолига билдирайлик, отаси билан суҳбатлашсин. Сиз эса жомедаги мавизаларингизда шундай мисоллардан фойдаланинг. Токи қишлоғимизда бундай одобсизликлар урчимасин.

Саксон ёшни қаршилаётган Ҳасан ота айтмоқчи, бола энг кўп вақтини оилада ўтказади. Демак, ота-она шахсий ўрнак бўлиши, оилада соғлом турмуш тарзини ўрнатиши ва унга, аввало, ўзлари амал қилишлари керак бўлади. Муҳтарам Президентимиз: "Биз ўз фарзандларимизнинг бахту саодатини, иқболи ва камолини кўришни истар эканмиз, нафақат оиладаги, балки маҳалла-қўйдаги одамларнинг хатти-ҳаракати ва боланинг шаклланиб келаётган соф қалби ва онгига қандай таъсир кўрсатиш ҳақида доимо ўйлашимиз, бу масалада зиммамизда қандай улкан масъулият борлигини унутмаслигимиз зарур. Оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун аввало ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига қуриш айни муддао бўлар эди" деб таъкидлаганлар.

Ўсмирларда яхши-ёмон одатлар, кўпинча, катталарнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қилишдан бошланади ва охир-оқибат кўникмага айланади. Инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат шуки, ўғил болаларга ота ибрат намунаси бўлади. Зеро, ўғил отасининг уйда, кўча-кўйда ўзини тутишини кўриб, шунга одатланади.

Катталарнинг бола олдида ўзларини яхши тутишлари, ҳақоратли сўзлардан тийилишлари жуда муҳим. Бу ҳақда имом Ғаззолий: "Бола ота-она қўлида бир омонатдир. Қалби турли нақш ва расмлардан пок, нима нақш чизилса, қабул қилади. Нимага мойил қилинса, мойил бўлаверади. Агар яхшиликка ундалса ва ўргатилса, дунё ва охиратда саодатли бўлади. Таълим-тарбия берганлар барча савобига шерик бўлишади" деганлар.

Фарзанд тарбияси энг долзарб масала экани боис бу улуғ масъулиятни ҳар биримиз юракдан ҳис этишимиз ва шунга қараб астойдил саъй-ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Тоҳирхон ТЎЛҚИНХОНОВ,
Пискент тумани "Келовчи" жоме масжиди имом-хатиби.



XXI аср ва дунё

КЎП МИҚДОРДА КОКАИН МУСОДАРА ҚИЛИНДИ

Панамада гиёҳванд моддалар тарқатилишига қарши кураш бўйича махсус операция жараёнлари якунида 760 килограммга яқин кокаин гиёҳванд моддаси мусодара қилиниб, уч контрабандачи ҳибсга олинди.

Маълум қилинишича, мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари яширин юкни кузатиб келаётган уч Колумбия фуқаросини ҳибсга олди. Панаманинг Тинч океани соҳилларида жойлашган, Коста-Рика билан чегарадош кичик Пунта-Бурик ярим ороли яқинида сузиб бораётган тезюрар катердан ўша катта миқдордаги гиёҳванд модда топилди. Контрабандачилар гиёҳванд моддаларни Жанубий Америка қитъасидан АҚШга ўтказиш учун Панаманинг ушбу ҳудудларидан фойдаланишади. Панама ҳукумати маълумотларига қараганда, йил бошидан буён тўрт тоннага яқин хавфли гиёҳванд моддалар мусодара қилинди, 31 киши ҳибсга олинди, уларнинг 28 нафари Колумбия фуқароларидир.

БМТГА КИМ БОШ КОТИБ БЎЛАДИ?

БМТ бош котиби Пан Ги Мун ўзининг бўлажак вориси салоҳиятли сиёсатчи аёллар орасидан танланиши керак, деб ҳисоблайди.

ТАСС тарқатган хабарда айтилишича, Пан Ги Муннинг расмий вакили ўринбосари Фархан Хак шу ҳақда маълум қилган. У таъкидладики, бош котиб унинг мансаб курсисини айнан ким эгаллаши мумкинлиги ҳақида аниқ фикр айтмади. Шу нарса маълумки, Пан Ги Мун жуда юксак лавозим, шу жумладан, БМТда ҳам юқори мансабга эга бўлган аёллар билан кўп суҳбатлашади. Аммо, сайловда қатнашиш ёки қатнашмасликни уларнинг ўзлари ҳал қилишади.

БМТ бош котиби лавозимига муносиб кўрилаётганлар қаторида БМТ Тараққиёт Дастури маъмури Хелен Кларк, ЮНЕСКО ижрочи директори Ирина Бокова, Чили ҳамда Литва президентлари Мишель Бачелет ва Даля Грибаускайте ҳамда Дания бош вазири Хелле Торнинг-Шмидт тилга олинмоқда.

Пан Ги Мун ушбу лавозимни 2007 йилнинг 1 январида эгаллаганди. Унинг ваколати 2016 йил 31 декабрда тугайди. Қоидага кўра, учинчи муддатга номзодини қўя олмайди. Таъкидлаш жоизки, БМТ етакчиси лавозимига Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган беш давлат – Россия, Хитой, Бирлашган Қиролликлар, АҚШ ва Франция вакиллари тайинланиши мумкин эмас.

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ БАЛТИМОРНИ ТАРК ЭТДИ

Associated Press агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, Американинг Мэриленд штати губернатори Балтиморда фавқулодда вазият тартиби бекор қилиниши ҳамда Миллий гвардия ва штат полицияси шаҳардан олиб чиқиб кетилишини эълон қилди.

Балтимор мэрининг гапларига қараганда, кейинги йилларда маҳаллий полиция хатти-ҳаракатлари устидан шикоятлар камайганига қарамай, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан жамоатчилик ўртасидаги муносабат тигизлигича қолмоқда. Маълумки, Балтимордаги тартибсизликлар 25 ёшли қора танли эркак Фредди Грей ўлимидан сўнг бошланган эди. Уни полиция қўлга олгандан сўнг умуртқаси синган ҳолда шифохонага олиб келинганди. Бир ҳафта ўтгач, у ҳаётдан кўз юмди. Ўшанда полициячиларга қарши норозилик ҳаракати тинч ва осойишталикда бошланганди. Бироқ, кейинчалик бутун шаҳар бўйлаб ур-йиқит, ўт қўйиш ва тўқнашувлар бошланиб кетди. Сабаби, Грейни қўлга олишда қатнашган олти полициячига қарши айблов эълон қилиниб ушланганди, аммо ўша куннинг ўзидаёқ гаров эвазига қўйиб юборилган эди.

ОКИНАВАДА КУЧЛИ ТЎФОН

Тинч океанида юзага келган "Ноул" тўфони Филиппин томон ҳаракатланиб, кейинчалик Япониянинг жанубий вилоятларига яқинлашиши ҳақида хабар тарқатди РИА Новости агентлиги.

Мутахассисларнинг таъкидлашига қараганда, тўфон марказидаги босим 955 гектопаскалга тенг, шамолнинг тезлиги эса сонияда 40 метр, зўрайганда 60 метрга етмоқда. "Ноул" кейинги ҳафта бошларида Окинава префектурасидаги Сакизима архипелагига етиб келиши мумкин.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ЭЪЛОНЛАР

"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Очиқ аукцион савдосига туман захира ерлари ҳисобига олинган ер майдонларида фермер хўжаликларини ташкил этиш мақсадида қуйидаги "Боғзор" ва "Узумзор" қўйилмоқда:

1.Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "М.Улуғбек" массивида жойлашган "ULUG'BEK KUSALIEV SAKEN" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган жами 6,34 гектардаги 3,3 гектар "Узумзор", бошланғич баҳоси 1 793 000 сўм.

2.Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Туркистон" қ.ф.й, "Тўқимачи" массиви ҳудудида жойлашган "Уразбаев Эгамберган Аминович" томонидан туман захира ерлари ҳисобига топширилган жами 5,07 гектардаги 3,52 гектар "Боғзор" ва 0,02 гектар далаларни ҳимоя қилувчи ихота дарахтлари, бошланғич баҳоси 6 629 000 сўм.

Очиқ аукцион савдоси 2015 йил 9 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, Биржа Маркази биносида бўлиб ўтади. Ушбу кунда сотилмай қолган "Боғзор" ва "Узумзор"нинг такрорий савдоси 2015 йилнинг 24 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги келишуви"ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО 01101, СТИР 301743808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

- юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

- жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунида соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва савдо белгиланган кундан 1 (бир) кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtor-service@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

RR - № 0008.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси" 2015 йил 6 майдаги 18-сонли Баённомаси қарори билан:

I. Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 22-моддасига асосан:

1.1 "ABDURAZZOQ-TEZKOR AVTO SERVIS" масъулияти чекланган жамиятига Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000667 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2015 йил 7 майдан бошлаб 10 (иш) кунига тўхтатилди.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади!

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 20 мартдаги 31 и/ч-сонли буйруғига асосан "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг очиқ аукцион савдоларига чиқарилган Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чимён ҚФЙ ҳудудида жойлашган умумий ер майдони 2,5 га бўлган "Қурилиши тугалланмаган бино-иншоотлари" аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қиламиз.

Асос: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 6 майдаги 55 и/ч-сонли буйруғи ва 2015 йил 6 майдаги 05-1609-сонли хати.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: (0371) 228-80-26.

Лицензия: RR-0001.

Тошкента шаҳар Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан 29.01.2015 йилда № 010544-08 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ABUBAKIR BUSINESS GROUP" (ИНН 303186178) МЧЖ тугатилади (07.05.2015 йилдаги қарорига асосан). Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳар, Чилонзор 3-37-4 манзилида қабул қилинади.

ООО "ASIA LOGISTICS" (ИНН 303216297), зарегистрированное ИРСП хокимията Мирзо-Улугбекского района г. Ташкента за реестр № 009569-04 от 13.02.2015 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, массив Корасу 6, дом 28-Г, ликвидируется (протокол общего собрания участников общества № 2 от 08.05.2015 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

Гулистон педагогика коллежи томонидан 2007-2009 ўқув йилида Мирсаитова Дурдона Жаббаралиевна номига берилган К № 1473426 (рўйхат рақами № 251) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Зангиота тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "SAHIY QALB" МЧЖнинг устав жамғармаси 585 697 531 (беш юз саксон беш миллион олти юз тўқсон етти минг беш юз ўттиз бир) сўмдан 463 773 313 (тўрт юз олтмиш уч миллион етти юз етмиш уч минг уч юз ўн уч) сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: (+99890) 958-00-70.

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан № 09-00966 реестр рақами билан рўйхатга олинган "JAMOLNURI" (ИНН 203069404) хусусий корхонасининг устав жамғармаси 29 012 947 сўмдан 15 833 044 сўмга камайишини маълум қилади.

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан № 002326-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган "NIXOL NUR SERVIS" МЧЖнинг устав жамғармаси 105 000 000 сўмдан 81 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Шомахсудов Шоносир Шонуриддин ўғлига тегишли бўлган думалоқ муҳр ҳамда бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"FAVORIT EDUCATION" МЧЖнинг устав жамғармаси 186 798 605 сўмдан 183 098 605 сўмга камайишини маълум қилади.

"ELEKTRO AKTIV" МЧЖнинг устав жамғармаси 258 000 000 сўмдан 198 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Муқаддас ИСРОИЛОВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-2865. Адади 13762. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.15.